

ИНСОН ҚАДРИ – ИНСОН ЎЗ ШАХСИНИ ЭРКИН КАМОЛ ТОПТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ (ОМБУДСМАН МИСОЛИДА)

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Котибияти бўлим бошлиғи

А.Юлдашев

Сўнги йилларда давлатимизда «Инсон – жамият – давлат» парадигмаси асосида давлат **халқнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш** ва **“ҳеч ким муаммоси билан ёлғиз қолдирилмаслиги”** таъминланиши борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Халқимиз томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони **3,5** баробарга ошди ва инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид бу нормалар Бош қомусимизнинг қарийб **50 фоиздан** ортиғини ташкил қилди.

Хусусан, Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлар, хусусан, қонунлардаги ноаниқликларнинг инсон фойдасига ҳал бўлиши, “сукут сақлаш” ҳуқуқининг биринчи маротаба белгиланиши, адвокатлар мақоми терговчи ва прокурор мақомига тенглаштирилиши каби янги конституциявий қоидалар белгиланди. Мазкур ўзгаришлар эса ўз навбатида давлатнинг инсон ҳуқуқларига бўлган содиқлигини ва бу борадаги мажбуриятларини намоён этади. Бош Қомусимизни том маънода “Инсон Конституцияси” деб аташга барча асосларимиз бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Асосий қонун нафақат фуқароларнинг манфаатларини акс эттириши, балки қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш орқали уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак. Ҳуқуқий тизим нафақат давлат манфаатларини қондириш, балки шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши муҳимдир.

Алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозимки, янги таҳрирдаги Конституциянинг 98-моддасига асосан сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Олий Мажлиснинг Сенати, Марказий



сайлов комиссияси билан бир қаторда **Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)** ҳам қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди. Бу Омбудсман институтига нафақат муҳим конституциявий ваколат, балки улкан масъулият ва жавобгарликни ҳам юклайди.

Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш функциясини бажаради, уларнинг манфаатлари Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳисобга олинишини таъминлайди. У инсон ҳуқуқларини таъминлаш асносида фуқаролар ва давлат органлари ўртасида “кўприк” сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шубҳасиз, янги конституциявий норма инсон ҳуқуқларини таъминлашда Омбудсман институтига қонун ижодкорлигида фаол қатнашиш фуқаро мурожаатларини ҳал этишда комплекс ёндашувни амалга оширишга имкон беради.

Конституциямизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган.²⁷ Мазкур қоида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат эканлигини англатади. Лекин, олдин амалиётда аксарият ҳолларда давлат манфаатларига устунлик берилар эди. Масалан, Ҳукумат қарори билан белгиланган тартиб асосида фуқаролардан ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун деган сабаб билан олиб қўйилар эди. Ваҳоланки, давлат эҳтиёжларига нималар киради, нега жамоат эҳтиёжлари алоҳида кўрсатилмоқда, тадбиркорларга кўп қаватли уйларни қуриш учун ер участкаларини олиб қўйиш давлат эҳтиёжига кирадими ёки жамоат эҳтиёжига деган саволларга кўпчилик жавоб бера олмас эди.

Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, Омбудсман институтига 2020–2023 йиллар давомида фуқаролардан муносиб турар жой масалалари юзасидан 5264 та мурожаат келиб тушган. Ушбу кўрсаткич кўрсатилган даврдаги жами мурожаатларнинг 7,5 фоизини ташкил этади. Мурожаатларнинг 29 фоизи ижобий ҳал этилган. Ушбу мазмундаги энг кўп мурожаатлар 2020 йил (1292 та мурожаат) - 2021 йилларда (2118 та мурожаат) келиб тушган.

Шу билан бирга, ушбу давр мобайнида Омбудсман томонидан фуқаролар манфаатларида давлат ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига 21

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси. <https://lex.uz/docs/-6445145>



та қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан таъсир чора шаклидаги ҳужжатлар киритилди. Бунда, 15 та Омбудсман хулосаси, 4 та тақдимнома ҳамда 2 та судларга даъво аризалар киритилиб, 2 нафар фуқаро манфаатларида салкам ярим миллиард сўм компенсация ажратилишида кўмаклашилди.

Ушбу даврлар мобайнида келиб тушган мурожаатлар ҳақиқатдан жамиятдаги мавжуд кайфиятни муҳим индикатори сифатида хизмат қилиб, Омбудсман томонидан ушбу ҳолатлар чуқур таҳлил қилинишини тақозо этди.

Ўрганишлар натижасида Омбудсман томонидан 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 911-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомнинг (Низом) *(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 февралдаги 76-сонли қарорига асосан ушбу Низом ўз кучини йўқотган)* 43-бандининг иккинчи хатбошиси ва 47-бандларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 ва 54-моддаларига мувофиқлигини текшириш бўйича масала²⁸ киритилди.²⁹


Таъкидлаш лозимки, Низомнинг 43-банди иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги 592-сонли қарорига асосан чиқарилган, 47-банди эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги 14-сонли қарори билан янги таҳрирда ёзилган.

Фуқаролар томонидан мурожаатларда кўтарилган масалалар ўрганилиши ҳамда уларга жиддий эътибор берилиб ўрганилиши натижасида Ҳукуматимиз томонидан жамиятдаги ривожланишга мутаносиб равишда ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишни тақозо этди. Буларнинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 29 июнь **“Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”**ги қонуни имзоланди. Ушбу Қонунни инсон қадри учун

²⁸ Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг 27-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунининг 20⁵-моддасига асосан, Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш ҳуқуқига эга.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг расмий веб-сайти <http://www.konstsud.uz/uploads/2021/07/ks-karori-20721-j.pdf>





тамойили асосида амалга оширилатган ислохотларга мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. Қонун билан компенсация эвазига олиб қўйиш учун асос бўладиган жамоат эҳтиёжлари, ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва ҳуқуқ эгалари билан келишув тузиш тартиби, компенсация бериш тартиблари аниқ белгиланди.

Шундай қилиб, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида иштирок этиши демократик жараёнларни кучайтиради ва янада адолатли ва самарали ҳуқуқий ландшафтни шакллантиришга ёрдам беради.

